

# Қоракүл Қўйларини Озиқлантиришда Инновацион Ёндошувлар

М. Нормуминова<sup>1</sup>, Ж. Козоков<sup>2</sup>

**Аннотация:** Қоракүл қўйларининг маҳсулдорлигини оширишда инновацион усусларда тайёрланган озуқа воситаларидан фойдаланиш самарадорлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган.

**Ключевые слова:** Қоракүл қўйи, маҳсулдорлик, гўшт, сут, жун, барра тери, пўстинбоп тери, инновацион озуқа, пробиотик.

**Кириш.** Бутун жаҳонда озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлаш глобал муаммо даражасига чиққан бугунги даврда, мамлакатимизда ҳам аҳолини озиқ-овқат хусусан чорвачилик маҳсулотлари билан таъминлаш ҳукуматимиз сиёсатининг устивор йўналишларидан бирига айланган.

Қўйчилик дунё чорвачилигининг барча ҳудудларида ривожланган мухим тармоғи ҳисобланиб, қоракўлчиликни ривожлантириш яйловлардан унумли фойдаланиб гўшт, жун, барра тери, пўстинбоп тери, сут ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқиши имкониятини беради. Шунинг учун уларни биологик хусусиятларидан фойдаланиб, маҳсулот етиширишнинг инновацион технологияларни яратиш ва кенг жорий этиш, кўп миқдорда хом ашё ва озуқабоп маҳсулотлар ишлаб чиқиши туфайли аҳолини озиқ-овқат ҳавфсизлигини таъминлашда катта имкониятлар яратиши мумкин.

Соҳанинг етакчи олимларидан Профессор М.Ж.Зокиров (1999) ўзининг илмий ишлари хуносасида шуни маълум қилади, ёш ҳайвонларни тўйимли озиқалар билан боқсанда уларни ўсиши ва ривожланиши жадаллашади, тирик оғирлиги ошади, тана тузилиши яхшиланади [3].

Ю.Абдуллаева., Д.Мамадиёрова., З.Т.Ражамуродов (2015) маълумотларига кўра дағал озиқаларга биологик ишлов бериш йўли билан кавшовчи ҳайвонларни тўйимли моддаларга бўлган талабини мавжуд дағал озиқалар ҳисобига қоплаш мумкин. Шу билан биргаликда дағал озиқаларга биологик ишлов бериш озиқаларнинг кимёвий таркибини бойишига, истеъмол қилинадиган озиқалар миқдорини ортишига, катта қориндаги ҳазм жараёнларининг мұтадиллигини таъминлашга ёрдам бериш билан бирга тўйимли моддаларнинг ҳазмланиш коэффициентини оширади [4].

С.Б.Юсупов ва Б.С.Яхяев (2021) маълумотларига кўра, пробиотиклар хўжайнин организмининг нормал микрофлораси вакиллари, яъни лактобацилл ва бифидобактериялар авлодига мансуб *Bacillus* бактериалари асосида яратилади. Улар тирик микроблар бўлиб озуқавий қўшимча сифатида қўлланилади, ошқозон-ичак органларининг микробиологик мувозанатини яхшилаш, ферментлар ва бошқа биологик фаол моддаларнинг секрециясини бошкариш ҳамда бошқа мухим модда алмашинуви жараёнларида биокатолизатор вазифасини бажариш орқали организмнинг модда алмашинуви ва иммун жараёнларига ижобий таъсир кўрсатади. Пробиотиклар потенциал кўпайиш белгилари билан ажralиб туради, организмнинг ҳимоя қилиш тизимлари орқали патоген ва шартли-патоген микрорганизмларига нисбатан таъсир кўрсатиш қобилиятига эга [5].

Г.Ж.Кутлиева (2021), Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Микробиология институти олимлари томонидан биологик фаол озуқавий қўшимча “Бактовит” ишлаб чиқилган. Бу қўшимча ўз таркибида пробиотик ҳисобланадиган *Lactobacillus*, *Bifidobacterium*, *Propionibacterium* авлодига мансуб, спора ҳосил килувчи *Bacillus subtilis* микробларини сақлайди. Ушбу биопрепарат озуқавий қўшимча сифатида куёнлар ва бройлер жўжаларни озиқлантиришда қўлланилган. Тажриба натижаларига кўра, ушбу турдаги пробиотик ҳайвон ва паррандаларнинг ўсиши ва ривожланиши, қоннинг морфологик ва иммунобиологик кўрсаткичларига ижобий таъсир кўрсатган, ишлаб чиқариш жараённида эса озуқанинг 20% тежалганлиги иктисадий жиҳатдан ўзининг самарадорлигини кўрсатган [6].

Б.С.Яхяев ва С.Б.Юсупов (2022) Бугунги кунда юзлаб турдаги пробиотиклар озиқ-овқат ва озуқавий қўшимчалр сифатида чорвачилиқда фойдаланилмоқда. Қоракўл қўйларининг маҳсулдорлигини ошириш йўли орқали тармоқни жадал ривожлантиришда мухим инновацион йечимлардан бири бу озиқлантириш рационларининг енергетик, витамишли ва минералли тўйимлилигини ошириш мақсадида озуқавий қўшимчалардан фойдаланишdir [7].

Н.А.Бобокуловнинг (1986) фикрига кўра тажрибадаги совликларни бўғозлигининг иккинчи ярмидан бошлаб яхшиланган озуқалар билан озиқлантириш ва ёш қўзиларни тўла кийматли озуқа билан қўшимча озиқлантириш. Уларнинг яхши ўсиши ва ривожланишини таъминлайди [8].

Ишлаб чиқаришда технологик жараёнларидан селекция ишлари энг мураккаб ва маъсулиятли зоотехниявий тадбир ҳисобланади. Чунки қоракўл қўйларининг генофондини сақлаш ва такомиллаштиришда қоракўл қўйларининг зот структураси бўйича, яъни барра типлари, ранги, рангбаранглиги, конституция типлари, завод типлари, экологик

<sup>1</sup> таянч докторант, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

<sup>2</sup> таянч докторант, Қоракўлчилик ва чўл экологияси илмий-тадқиқот институти

типлари ҳамда бошқа категориялари бўйича мураккаб селекцион омиллари асосида селекция ишлари ташкил этилади.

Таъкидлаш жоизки, насллилик ва селекция ишларини ташкил этишда наслли қўчкорлардан самарали фойдаланиш, уларнинг жинсий фаолиятини ошириш, қўйларни сунъий уруғлантириш, сперма маҳсулоти сифатини ошириш, уларни музлатиш, сақлаш ва самарали фойдаланиш масалалари биотехнология фанининг илгор ва прогрессив ютукларидан бирни хисобланади.

Наслли қўчкорлардан етарли ҳажмда эякулянт олиш, уруғ сифатини ошириш ва қўчкорларнинг жинсий ва бошқа физиологик фаолигини таъминлашда рационнинг таркибини экологик тоза, биологик фаол моддалар ва табиий биостимуляторлардан пробиотиклардан фойдаланиш ижобий самара беради.

Б.Абдолниёзов, Р.Эшчанов (2010) ларнинг ёзишича, пробиотиклар дозаси препарат турига караб, 1 кг озуқа аралашмасига (88%QM)  $10^8\text{-}10^9$  хужайра микроблари даражасида жойлашади. Пробиотик хужайралар ичак деворларига патоген микроорганизмларнинг кўпайишига ҳалакит берадиган биологик плёнка вужудга келтиради. Бу хайвонларнинг маҳсулдорлигини оширишига олиб келади чунки патогенлар озиқ моддаларнинг йомон узлаштирилишининг асосий сабабидир. [9].

А.И.Ерохин ва бошк. (2014) таъкидлашича наслли қўчкорларнинг маҳсулдорлиги, жинсий фаолияти ва сперма ургининг сифати кўп жихатдан озиқлантириш ва сақлаш шароитга боғлиқ бўлади. Бунда наслли қўчкорларни йил давомида завод кондицияси семизлигига сақлаш, хосилдорлиги яхши бўлган табиий ва экилган яйловларда бокиши ҳамда кўшимча концентрат озуқалар билан озиқлантиришига эътибор берилади. Наслли қўчкорларни озиқлантиришда рационларнинг протеинли, витаминыли ва минералли тўйимлилиги муҳим аҳамият касб этади [10].

И.Р.Газиев ва бошқалар (2017) инновацион усулда озиқлантирилган қўчкорлар уруғининг сифат кўрсаткичларига сезиларли даражада таъсир қилди, тажриба гуруҳидаги қўчкорлар уруғларининг яшовчанлиги бўйича ҳам назорат гуруҳидан 2,30-3,28 фоиз юкори курсаткич намоён килган. Жун маҳсулдорлиги назорат гуруҳидаги қўчкорларга нисбатан 15-25 фоиз юкори бўлган.

Б.С.Яхяев (2022) таъкидлашича Олти ойлик коракўл қўчкорларини пробиотик, карбамид ва хлорелла суспензияси куринишида кўшимча равишта озиқлантирилганда тажриба гуруҳи назорат гуруҳидан сўйиш оғирлиги 2.28 кг ёки 13.19% га ва сўйиш хосилдорлиги 3.08% га юкори курсаткичга эга бўлган [12].

Наслли қўчкорларни 7-8 ҳафта олдин сунъий уруғлантириш даврига тайёрлаш жараёнида рационларни концентрат, ширали ва кўк озуқалар билан бойитиш зарурдир. Рационлар оқсил, А ва В гуруҳ витаминлари билан таъминланганлиги назорат қилинади. Рационларнинг биологик қиматини оширишда хайвонот оламидан олинган озуқалар билан озиқлантириш амалиёти ҳам самарали натижга беради ([www.albest.ru](http://www.albest.ru)) [13].

**Хулоса:** Қўйларни физиологик ҳолати, ҳаётчанлик ва маҳсулдорлик хусусиятларини тўлиқ юзага чиқаришда уларни тўла қийматли озиқлантиришни тўғри ташкил қилиш, инновацион усулда тайёрланган озуқалардан фойдаланиш муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уларнинг ўсиш ва ривожланишига ижобий таъсир кўрсатиб, сифатли маҳсулот олиш имконини берар экан.

Қўйлардан гўшт ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқаришда витаминыли озуқалардан фойдаланиш маҳсулот ҳажми ва сифатини оширишига хизмат қиласди.

Қўйчиликда наслли ҳайвонлардан фойдаланиш, уларнинг маҳсулдорлик потенциалидан унумли фойдаланиш ва авлодлар сифатини яхшилашда пробиотиклардан фойдаланиш юкори самара беради.

Наслли қўчкорларни озиқлантиришда пробиотиклардан фойдаланиш улардан олинадиган уруғ сифатини яхшилаш, ўруғлантириш даражасини ошириш, қўйларни сунъий уруғлантиришда технологик жараёнларининг яхшилаш орқали селекция самарадорлигига эришиш мумкин.

### Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдалниёзов Б., Эшчанов Р. “Қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини озиқлантириш” Урганч 2010. 293 б.
2. Абдуллаева Ю., Мамадиёрова Д., Ражамурадов З.Т. Биотехнологик ишлов беришнинг озуқалар таркибига ва ҳазмланиш жараёнларига таъсири. Чўл-яйлов чорвачилиги ва озуқа етишириш муаммолари. Халқаро илмий-амалий конференция материаллари. 2015, 201-203 б.
3. Бобоқулов Н.А. Рост, развитие, качество смушка молодняка каракульских овец в зависимости от условий кормления на пастбищно-овцеводческом комплексе. Дисс. Канд. с-х. наук. Самарыанд 1986. 132 с.
4. Газеев И.Р., Галиева З.А., Зиянгирова С.Р., Турчин А.В. Известия Оренбургского государственного аграрного университета. 2017. № 4 (66). С. 184-186.
5. Ерохин А.И., Карасев Е.А., Юлдашбаев Ю.А., Магомадов Т.А., Сычева И.Н., Пахомова Е.В. Овцеводство и козоводство. Издательство: Российский государственный аграрный университет - МСХА им. К.А. Тимирязева Москва, 2014. 123 с.
6. Зокиров М.Д., Атамурадов К.А., Хайдаров Я.Х. “Ҳайвонлар ҳом-ашё товаршунослиги” Тошкент 1999 й, 89-93 б

7. Кутлиева Г.Дж., Юсубахмедов А.А., Элова Н.А. Эффективность пробиотической кормовой добавки “Бактовит” при выращивании цыплят-бройлеров. Тенденция развития ветеринарной паразитологии на пространстве СНГ и других стран в начале XXI века. 28-30 апреля-Самарқанд 2021, 346-349 с.
8. Юсупов С.Б., Яхяев Б.С. Кормовые добавки, способствующие интенсификации каракульского овцеводства. //“Чорвачилик ва наслчилик иши” Тошкент 2021 й, №4., 13-17.
9. Яхяев Б.С. Комплексное использование кормовых добавок в кормлении овец. Сборник статей по материалам Международной научной экологической конференции, посвященной 100-летию КубГАУ 2022. 216-217 с.
10. Яхяев Б.С., Юсупов С.Б. Қоракўл қўйларини бўрдоқилашда қўшимча озукалардан фойдаланиш самарадорлиги. //“Чорвачилик ва наслчилик иши” Тошкент 2022 й, №2., 26-28.
11. Интернет сайты ([www.albest.ru](http://www.albest.ru)).